Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 36 (5897).

19 ФЕВРАЛЬ ЖУМА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ Касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлка, область, миллий округлар, шаҳар ва районларнинг, корхоналар, бирлашмалар, қурилишлар, илмий тадқиқот ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, муассасалар, колхоз, совхозлар, агросаноат корхоналари, хўжаликлараро корхоналар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотлар коллективларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш учун, 1976 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларини қараб чиқиб, тегишли қарор қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ Касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети қуйидагиларни ғолиб деб топдилар ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотладилар:

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР

1976 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлари учун

РСФСР
Украина ССР
Белоруссия ССР
Ўзбекистон ССР
Қозоғистон ССР
Грузия ССР
Озарбайжон ССР
Арманистон ССР
Эстония ССР

АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАЛАР, ЎЛКА ВА ОБЛАСТЛАР

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш 1976 йил халқ хўжалик планини муваффақиятли бажарган йўлида ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг юксак натижаларга эришганликлари учун:

РСФСРдан — Бошқирдистон АССР, Дағистон АССР, Коми АССР, Краснодар ўлкаси, Красноярск ўлкаси, Хабаровск ўлкаси, Амур области, Белгород области, Брянск области, Волгоград области, Воронеж области, Куйбишев области, Ленинград шаҳри, Ленинград области, Москва шаҳри, Оренбург области, Ростов области, Саратов области, Свердловск области, Тюмень области;

Украина ССРдан — Винница области, Ворошиловград области, Днепропетровск области, Киев шаҳри, Львов области, Суми области, Тернополь области, Харьков области, Чернигов области, Черновци области;

Белоруссия ССРдан — Брест области, Витебск области;

Ўзбекистон ССРдан — Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё области, Тошкент области;

Қозоғистон ССРдан — Олмаота области, Кўкчатов области, Қўстанай области, Шимолий Қозоғистон области, Чимкент области;

Грузия ССРдан — Ажария АССР;

Озарбайжон ССРдан — Тоғли Қорабоғ автоном области;

Қирғизистон ССРдан — Ўш области;

Тожикистон ССРдан — Ленинобод области;

Туркманистон ССРдан — Ашхобод области.

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, 1976 йил халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш йўлида ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг юксак натижаларга эришганликлари учун — Татаристон АССР, Горький области, Кемерово области, Москва области, Новосибирск области, Челябинск области.

100 шаҳар ва шаҳарлардаги районлар;

208 қишлоқ райони ва миллий округлар;

Корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, қурилишлар, илмий тадқиқот муассасалари, колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларининг 1560 коллективи мусобақада ғолиб деб топилди ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларига ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини ошириш учун, 1976 йил халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этишни, мусобақа ғолибларининг тажрибасини умумлаштириш ва ёйишни, шу мақсадда оммавий пропаганда ва ахборот воситаларидан кенг фойдаланишни топширдилар. КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу пленумда сўзлаган нутқидан, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қароридан, КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларга мувофиқ, социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш, мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш, ўнинчи беш йиллик юбилей йили планларини ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришни таъминлаш тадбирлари ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун, 1976 йил халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққан республикалар, ўлка ва областлар, миллий округлар, шаҳар ва районларнинг меҳнаткашларини, саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлардаги корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг коллективларини қизғин табриклайдилар ва ишчилар ҳамда колхозчилар, инженер-техник ходимлар ва илмий ходимлар, халқ хўжалигидаги барча тармоқларнинг меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини янада кенг авж олдирадилар, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлайдилар, деб қаттиқ ишонч билдирадилар.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланган коллективларнинг рўйхати тармоқ газеталарида, республика, ўлка ва область газеталарида эълон қилинади.



«ЎРТОҚ» кондитер фабрикаси карамель цехининг машинисти Насиба Воҳидова ўтган йили икки йиллик топшириқни бажарди. Моҳир қандолатчи бу йил ҳам самарали ишлаяпти. У ўнинчи беш йилликни узоғи билан уч йилда бажариш мажбуриятини олган. Суратда: илғор ишчи Н. Воҳидова иш устида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ А. Н. КОСИГИННИНГ ФИНЛЯНДИЯГА ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Финляндия Республикаси президенти У. Кекконеннинг таклифига биноан шу йил март ойининг иккинчи ярмида дўстона визит билан Финляндияга боради.

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ Касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш учун, 1976 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларини қараб чиқиб, қуйидагиларни мусобақанинг ғолиблари деб топдилар ва уларни КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотладилар:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

1. Тошкент шаҳри.
2. Қуйи Чирчиқ райони.
3. Меҳнат Қизил Байроқ орденли К. Е. Ворошилов номли Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи.
4. 7-кўприксозлик трести, Тошкент шаҳри.
5. Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташкенткабель» заводи.
6. Тошкент 4-нон маҳсулотлари комбинати.
7. «Ўзпромвентиляция» трести, Тошкент шаҳри.
8. Тошкент сут саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси.
9. Оҳангарон «Сантехлит» заводи.
10. 160-қурилиш трести, Чирчиқ шаҳри.
11. Кўмир қазиб чиқариш Ўрта Осиё ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент шаҳри.
12. Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати.
13. «Главташкентстрой»га қарашли «Висотстрой» трести 1-қурилиш бошқармаси, Тошкент шаҳри.
14. Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрлигига қарашли «Гордорстройремонт» трести, Тошкент шаҳри.
15. Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлигига қарашли Ҳурмат Белгиси орденли 2- йўл қурилиш бошқармаси.
16. «Ленинизм» колхози, Янгийўл райони.
17. «Оққўрғон» совхози, Оққўрғон райони.
18. Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг «Красний водопад» экспериментал базаси, Оржоникидзе райони.
19. «Огонёк» мева-узумчилик завод-совхози, Қуйи Чирчиқ райони.

ОКТЯБРЬ ЛЕКТОРИЙСИ



Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги мамлакатимиз тарихи ва совет халқи ҳаётида муҳим сана ҳисобланади. Барча совет кишилари қатори областимиз меҳнаткашлари ҳам жаҳонда биринчи марта социалистик давлат туғилганлигидан дарак берган Октябрь революциясининг ана шу юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш, ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилини зардоб меҳнат билан нишонлаш учун астойдил курашмоқдалар.

Шунинг учун ҳам улар КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини зўр қизиқиш ва қониқиш билан кутиб олдилар. Бу тарихий ҳужжатда совет халқининг 60 йил ичида босиб ўтган шонли йўлига якун ясалиб, янги вазифалар белгиланган.

Шу юбилейга тайёргарлик ҳар томонлама авж олиб кетган ҳозирги вақтда кенг меҳнаткашлар оммасининг давлатимиз ва Коммунистик партия тарихига, революцион назарияга, революцион анъаналарга қизиқиши янада ортди.

Тошкент область партия комитети шуни ҳисобга олиб ҳамда КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини амалга ошира бориб В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали негизида Октябрь лекторийси ташкил этди. Бу лекторий саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорлари учун мўлжалланган-дир.

Областимиздаги барча шаҳар ва районлар меҳнаткашларининг вакиллари лекторий тингловчилари бўлишади. Мақсад Октябрь ғалабаларини, жонажон партиямизнинг ленинча сиёсатини кенг пропаганда қилиш, меҳнаткашларда совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳини тарбиялашдан иборатдир.

Кеча лекторийнинг биринчи машғулоти бўлиб ўтди. Унда Калинин ва Тошкент районлари меҳнаткашларининг вакиллари иштирок этдилар. Улар пойтахтимизнинг Ленин номли марказий майдонида улуғ доҳий ҳайкали супасига ва Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйишди. Сўнгра Халқлар дўстлиги музейи экспонатлари билан танишдилар.

Лекторий тингловчилари В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали экспонатларини зўр қизиқиш ва ҳаяжонланиш билан томоша қилдилар. Уларни музей филиали директори Х. С. Шукурова қизғин табриклади.

Сўнг «Ленин Улуғ Октябрнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси» деган темада лекция тингланди ҳамда В. И. Ленинга бағишланган ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

Суратда: лекторий тингловчилари В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалида.

16 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

АНЪАНАГА СОДИҚМИЗ

Москвадаги илғор саноат корхоналари коллективлари шу йилнинг 16 апрелида улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 107 йиллиги ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. Ташаббускорлар мамлакатимиз меҳнаткашларига муносиб совға қилиб, уларни шу куни сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг юқори даражага эришиш, меҳнат унумдорлигининг юксак бўлишини таъминлаш, маҳсулотнинг ҳаммасини ёки кўпчилик қисмини иқтисод қилинган материаллар ва хом ашё ҳисобига ишлаб чиқаришга чақирдилар.

Пойтахтимиз саноатчиларининг бу ташаббусини областимиздаги меҳнат коллективлари бир овоздан маъқуллаб қўллаб-қувватламоқдалар. Улар ҳам коммунистик шанбаликда фаол иштирок этиш режаларини тузишмоқда.

Куни кеча Тошкент тўқимачилик комбинатининг пардозлаш фабрикасида бу ташаббусни қўллаб-қувватлашга бағишланган митинг бўлиб ўтди.

Митингни фабрика партия комитетининг секретари А. Беляева очди. Минбарга биринчи бўлиб кўтарилган фабрика директори Т. Сулаймонов шундай деди:

— Барча меҳнат коллективлари шу кунларда мисли кўрилмаган кўтаринки руҳ билан ишламоқдалар. Улар ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида катта-катта ютуқларни қўлга киритиш учун социалистик мусобақа байрогини тобора баланд кўтаришяпти. Ана шундай вазиятда москвалик илғор саноат корхоналари коллективларининг коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақида бошлаган ташаббуслари айни муддао бўлди. Совет халқининг ажойиб анъаналаридан бири бўлиб қолган бу шанбаликлар ҳар йили юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги билан ўтмоқда. Бизнинг коллективимиз ҳам бу ташаббусга бажонудил қўшилди. Шанбаликда ҳаммамиз бир оила аъзоларидек фаол иштирок этиб, 125 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан 400 минг метр газлама ишлаб чиқарамиз. Шу куни тушган иш ҳақи беш йилликнинг иккинчи йилида катта-катта ютуқларни қўлга киритиш учун социалистик мусобақа байрогини тобора баланд кўтаришяпти. Ана шундай вазиятда москвалик илғор саноат корхоналари коллективларининг коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақида бошлаган ташаббуслари айни муддао бўлди. Совет халқининг ажойиб анъаналаридан бири бўлиб қолган бу шанбаликлар ҳар йили юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги билан ўтмоқда. Бизнинг коллективимиз ҳам бу ташаббусга бажонудил қўшилди. Шанбаликда ҳаммамиз бир оила аъзоларидек фаол иштирок этиб, 125 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан 400 минг метр газлама ишлаб чиқарамиз. Шу куни тушган иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.

— Бригадамиз аъзолари, — деди митингда сўзга чиққан раклистлар бригадаси бошлиғи Леонид Ли, — шанбаликда актив иштирок этишга қарор қилдилар. Биз шу куни оддий кунлардагига нисбатан юксак меҳнат кўрсаткичига эришамиз. Ихтиёримиздаги машина ва механизмлардан самарали фойдаланамиз ва кам билан 300 минг метр газламага гул босамиз. КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарорига жавобан илғари зиммага олган мажбуриятимизни қайта кўриб чиқдик. Биз йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш планини 10 декабргача бажарамиз. Маҳсулот сифатини яхшилаймиз, биринчи сортли газлама планидаги 96,5 процент ўрнига 98,5 процентга етказилади.

Контроль-браковка цехи комсомол-ёшлар бригадаси раҳбари Алла Султангузина шанбалик куни бир ўзи ками билан 8,5 минг метр газламани браклаш мажбуриятини олди. Бу нормадагидан анча кўпдир.

Шунингдек митингда бўёқ цехи ишчиси Роза Раҳимова, комбинат партия комитетининг секретари В. Мимриналар ҳам сўзга чиқдилар.

Митингда қабул қилинган резолюцияда фабриканинг 1300 дан ортиқ ишчи-хизматчиси шанбаликда уюшқоқлик билан иштирок этажаги қайд қилинади.

М. МАҲМУДОВ.



СУРАТЛАРДА: фабрика ишчиларининг коммунистик шанбаликка бағишлаб ўтказилган митингида. Фабрика директори Т. Сулаймонов сўзламоқда (ўнгда).

А. Абалян фотолари.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети, область комсомол комитети февраль ойининг биринчи ўн кунлигида 1977 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларнинг бажарилиш якунларини кўриб чиқиб, қарор қилдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети, область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Оққўрғон** районига (район партия комитетининг секретари **Э. Ҳ. Ҳатамов**, район ижроия комитетининг раиси **С. Ғ. Ғонпов**, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчи-хизматчилари касаба союз район комитетининг раиси **Х. Ғаффоров**, район комсомол комитетининг секретари **Н. Маҳмудов**, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Р. У. Усмонов**, суғориш тармоқлари район бошқармасининг бошлиғи **М. А. Жалолов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **М. Бойжуманов** ўртоқлар) берилди. Бу район 1977 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларнинг бажарилишида яхши кўрсаткичларга эришди.

Байроқ Чиноз районидан олиб берилади.

Шунингдек, **Бўка, Пискент, Янгийўл, Тошкент, Чиноз** районлари ҳам кузги-қишки тадбирларни бажаришда яхши натижаларга эришаётганлиги таъкидланди.

Оҳангарон, Калинин, Оржоникидзе районларида 1977 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларнинг бажарилишида сусткашликка йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Оққўрғон районига битта енгил автомашина ажратиш топширилди.


ТРАВМАТОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

Шикастланишнинг олдини олишга бағишланиб Тошкентда Ўрта Осиё республикалари врачларининг илмий ва амалий конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманга Иттифоқимизда кўзга кўринган медик олимлар, тажрибали врачлар қатнашдилар.

Конференцияда СССР Медицина фанлари академиясининг академиги В. Волков, профессорлар М. Роговой ва Н. Шоматовлар болалар ўртасида шикастланишни камайтириш юзасидан докладлар билан чиқдилар. Республика маориф министрининг ўринбосари Н. Раҳмонов эса мактаб болалари ўртасида шикастланишнинг олдини олиш ва йўл ҳаракати қоидалари билан таништириш методикаси хусусида гапирди. Республика ички ишлар министрининг ўринбосари Ш. Ҳасанбоев эса болалар ўртасида транспортдан шикастланишнинг олдини олиш ҳақида тўхталди.

Еш болалар ортопедия касалликларини аниқлаш ва уларни ўз вақтида даволашга бағишланган семинар ҳам ўтказилди. Унга марказий травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтининг профессорлари бошчилик қилдилар.

Т. ҲАСАНОВ.



«УЗГЛАВМЕХАНИЗАЦИЯ» бирлашмасининг экспериментал механика заводи ишчи-хизматчилари янги ПКС-80 транспортёрларини ишлаб чиқара бошладилар. Бу янги қурилма темирйўл станцияларида юкларни ортиш ва тушириш ишларини автоматик ҳолда бажаради. Суратда: йиғувчи слесарлар Р. Даутов ва А. Мифтахов транспортёрни кўздан кечирмоқдалар.

И. Душкин фотоси. (ЎзТАГ).

ЛЕНИНЧА ИШ УСЛУБИ ҲАҚИДА

Раҳбарлик услуби ва методлари ҳақида гап борганда биз ҳамиша В. И. Ленининг назарий меросига, унинг улкан тажрибаси, ажойиб иш услубига мурожаат қиламиз. Ўртоқ Л. И. Брежнев XXV съезд минбарида туриб айтганидек, «Ленинча иш услуби партиявий раҳбарликнинг муваффақият қозониши учун муҳим шартдир».

Ленинча иш услубининг моҳияти нимада?

Маълумки, буюк Ленин ташкил қилган ва вояга етказган Коммунистик партиямиз катта, мураккаб ва шонли тарихий йўлни босиб ўтди. У чоризм даврида энг оғир шароитларда ҳам фаол ҳаракат қилиб, меҳнаткашларнинг келажаги учун фидокорона курашди. У Улуғ Октябрь ғалабасини таъминлаб, эндиликда етук социалистик жамиятга, мамлакатимиз коммунистик қурилишига муваффақиятли раҳбарлик қилмоқда. Ўтган шу ўн йилликлар давомида тарихий шарт-шароит бир неча бор ўзгариб турди, янги-янги вазифалар туғилди. Ана шуларга мувофиқ партиявий раҳбарликнинг форма, метод ва усуллари ҳам такомиллашиб, бойиб борди. Большевиклар партияси фаолиятининг услуби ана шу тариқа таркиб топа борди. Унинг шаклланиши Владимир Ильич номи билан чамбарчас боғлиқдир. Доҳий ҳозирда ленинча услуб деб аталаётган тамомила янги, ўзига ҳос шундай иш услубини яратдики, бу услуб марксча-ленинча таълимот, КПСС тарихий тажрибасига асосланган-дир. Ленинизм методи, унинг материалистик диалектикаси, унинг ижодкорлик, бунёдкорлик ва революцион руҳи ленинча иш услубининг негизидир.

Партиявий иш услуби ўзига ҳос характерга эга бўлиб, у доимо такомиллашиб боради ҳамда партия органлари фаолиятининг ҳамма жиҳатларини ўзида қамраб олади. Бу услуб фаолиятимизнинг мазмуни, унинг формалари, метод, восита ва усулларини ифода қиладиган белгиларнинг бирга қўшилишидан иборат бўлиб, улар партиявий ҳаётнинг ленинча нормалари ва раҳбарлик принципларига асосланган-дир. Партиявий иш услуби КПСС Программасидан, партия съездлари ҳужжатларидан келиб чиқадиган мақсад ҳамда вазифаларни амалга оширишга қаратилгандир.

Содир бўлаётган воқеаларни таҳлил қилишда чуқур илмий ёндошиш, синфий кучлар нисбати ва жойлашишини жиддий ҳисобга олиш, марксча принципларни ҳимоя қилишда изчиллик ва қатъияткорлик, сабот билан мақсад сари интилиш, кураш тактикасини пухта амалга ошириш, коммунизм манфаатлари ва мақсадлари йўлида фидокорона ҳизмат қилиш — Владимир Ильичга ҳос энг муҳим хислатлар ана шулардир. Ленинча иш услубининг муҳим хусусиятлари ҳамма ишда принципиал, тўғри сўз ва ҳаққоний бўлишдан иборатдир. Ленин ҳар қандай шароитда фактлар ва воқеаларга аниқ ва реалистик ёндоша биларди, йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида билиб олиб, уларни аққол кўрсатиб, ўз вақтида тўғрилаб боришга қатъиятли эди. Худди шу хусусиятларда ленинча снёсий раҳбарликнинг методлари, снёсий ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилишнинг ленинча усул ва воситалари мужассамланган-дир.

Назария билан амалиётнинг, идеология билан ташкилий ишларнинг бирлиги; революцион кенг миқёс ва большевистик ишчанлик; раҳбарликни коллектив равишда амалга ошириш ва бажарилган ишга шахсий жавобгарлик; кадрларни ишчанлик, снёсий ва ахлоқий сифатларига қараб танлаш; қарорларнинг бажарилишини изчил назорат қилиш ва текшириш; меҳнаткаш омма билан доимий алоқада бўлиш; ўз ишига танқидий ёндошиш, камтарлик ва оддийлик — партия ва давлат ишида ленинча услубининг энг муҳим хусусиятлари ана шулардан иборатдир. Ана шу таркибий қисмлар, энг муҳим хусусиятлар, уларнинг бирлиги, органик равишда уйғунлиги ленинча иш услубини ташкил қилади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан сўнг большевиклар партияси ҳукмрон партия бўлиб қолди, тарих унинг зиммасига жуда катта масъулиятли, олижаноб вазифани — совет халқининг социалистик ва коммунистик жамиятни қуриш учун курашига раҳбарликни амалга ошириш вазифасини юклади. КПСС, унинг жанговар штаби Марказий Комитет ана шундай раҳбарликни амалга ошириш жараёнида ҳамиша В. И. Ленининг назарий меросини тинмай чуқур ўрганди, ленинча иш услубини пухта эгаллаб, такомиллаштириб, унга амал қилиб борди. Мамлакатимизда етук социалистик жамият барпо этилганлиги, коммунистик қурилишдаги муваффақиятлар айни чоғда КПСС, унинг Марказий Комитети раҳбарлиги қўллаган ленинча услуб ва методларнинг ҳам тантанасидир.

Ленинча иш услубини эгаллаш, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига партиявий таъсирни кучайтириш катта аҳамиятга эгадир. Ҳозирги шароитда коммунистик қурилиш манфаатлари ленинча иш услубини кенг жорий этишни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ тақозо қилмоқда. Партия Марказий Комитетининг КПСС ташкилотчилик ва снёсий фаолиятини, унинг маҳаллий ва бошлангич ташкилотлари ишини янада такомиллаштириш, Ленин меросини кенг ўрганиш, ишда ленинча услубни қарор топтириш борасидаги тадбирлари ана шу мақсадга қаратилгандир. Худди шунинг учун ҳам КПСС XXV съезди ленинча иш услубини эгаллаш масалаларига ғоят катта эътибор берди.

«...Ленинча услуб эса, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев съездда, — субъективизмга ёт бўлган, барча ижтимоий жараёнларга илмий ёндошиш руҳи билан суғорилган ижодий услубдир». У коллективчиликни, ишчанликни, ўзига ва бошқаларга нисбатан қаттиқ талабчанликни тақозо қилади, бепарволик, формализм, бюрократизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши чиқади.

КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитет Снёсий бюроси ва Секретариати ленинча иш услубининг ёрқин намунасини намойиш қилмоқда. Марказий Комитет, унинг Снёсий бюроси ва Секретариатининг батафсил коллектив муҳокамадан сўнг қабул қилинадиган қарорлари партия ташкилотлари ишининг муҳим йўналишларини аниқ белгилаб бермоқда. Бу эса маҳаллий партия ташкилотлари ва уларнинг раҳбар органлари ишини яхшилашда шубҳасиз катта ёрдам бермоқда. Партиянинг олий органлари чинакам коллектив равишда иш кўриб, ўз фаолиятларида назарияни амалиёт билан, революцион миқёсни чинакам ишчанлик билан бирга кўшиб олиб бормоқдалар.

XXV съездда сўзга чиққан кўпгина делегатлар шуни алоҳида таъкидладиларки, КПСС Марказий Комитети, унинг Снёсий бюроси ва Секретариати ҳал қилинаётган проблемаларга чуқур ёндошмоқдалар, аниқ, оператив йўл-йўриқ бермоқдалар, марксча-ленинча назарияни ижодий тарзда ривожлантириб, уни амалда моҳирона кўлламоқдалар. Мунтазам равишда ўтказиб келинаётган Марказий Комитет Пленумлари, КПСС Марказий Комитети ва Секретариатининг кенгашлари партия иродасининг, коллектив ақл-идрокининг мужассам ифодаси бўлмоқда, партиявий раҳбарлик услуби ва методларини такомиллаштириш ҳамда ўткирлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Шундай қилиб, КПСС Марказий Комитети ленинча иш услубининг ёрқин намунасини кўрсатиб, ленинча методологиядан моҳирона фойдаланиб, коммунистик қурилишнинг етилган масалаларини аниқ белгилаб бермоқда, уларни ҳал қилишнинг ишончли йўлларини ишлаб чиқмоқда. Партия XXV съезди ҳужжатлари, КПСС Марказий Комитетининг қарорлари ўзаро ички боғлиқлик, тарихий воислик ва снёсий йўлнинг бирлиги билан характерланади. Улар бир-бирларига мувофиқлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган тадбирларнинг ягона бир системасини ташкил қилиб, коммунистик жамият моддий ва маънавий шарт-шароитларини вужудга келтиришга қаратилгандир.

Партия Марказий Комитети маҳаллий партия ташкилотлари эътиборини ўз фаолиятларини илмий асосга қуришга, тўпланган тажрибани чуқур ўрганиш, ҳар тарафлама таҳлил қилиш ва умумлаштиришга, етук социалистик жамият шароитига энг кўп даражада мос келадиган методлар, воситалар, иш усулларини ўз вақтида эгаллаш зарурлигига қаратмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг кўпгина нутқларида ленинча иш услубини фақат партия, давлат органларидагина эмас, хўжалик органларида ҳам жорий қилиш зарурлиги масаласини қўйди, хўжалик фаолиятининг ҳамма соҳаларида чинакам партиявий услубни, масалаларга партиявий ёндошишни қарор топтириш учун изчил курашиш лозимлигини таъкидлади. «Самарадорлик ва сифат учун курашнинг маъноси шуки, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленумида, — ҳар бир раҳбар ва ҳар бир мутахассис ленинча иш услубини, ленинча бошқариш фанини эгаллаб олиши, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва ташкил этишнинг замонавий методларини қарор топтириши, фан-техника ютуқларини жорий этишда актив курашчи бўлиши керак».

Ана шу услубнинг характерли хусусиятлари нималардан иборат? Аввало, бу услуб раҳбарликнинг ленинча методларига асосланади. Ишда масъулиятни ошириш, ташаббускорликни ривожлантириш, ишчанликни юқори даражага кўтариш, ишнинг кўзини кўра билиш, онгли интизомни тарбиялаш, камчиликларга муросасиз бўлиш, янги резервларни қидириб топиш ва ишга солиш — хўжалик фаолиятида партиявий услубнинг муҳим хусусиятларидир.

Ишда ленинча услубни эгаллаш мураккаб, масъулиятли ва айни вақтда шарафли ишдир. Бу услуб ҳар бир ҳодимдан ўзига ва бошқаларга нисбатан юксак талабчанликни, ўзаро ишонч ва ҳурматни тақозо қилади. Партиявий етуклик, юксак масъулият ва шахсий уюшқоқликни кишиларга нисбатан яхши муносабатда бўлиш билан қўшиб олиб бориш коллективда қулай иш шароитини барқарор қилишнинг муҳим шартидир. XXV съездда кўрсатиб ўтилганидек, «ҳозирги раҳбар ўзида партиявийликни ишнинг кўзини яхши билиш билан, интизомни ташаббус ва ишга ижодий ёндошиш билан бирга қўшиб олиб бориши лозим. Шу билан бирга раҳбар ҳар бир соҳада социал-снёсий, тарбиявий жиҳатларни ҳам эътиборга олиши, кишиларга, уларнинг эҳтиёж ва талабларига сезгирлик билан қараши, ишда ва турмушда ўрнак бўлиши лозим».

Ўзбекистон Компартияси КПССнинг ажралмас, таркибий қисми сифатида КПСС Марказий Комитетининг бой тажрибасини эгаллаб, республикамиз кадрлари диққат-эътиборини ўз фаолиятлари усул ва методларини такомиллаштириш, ҳамма звеноларда раҳбар кадрларнинг ленинча иш услубини ўзлаштириш, ишда илмий ёндошиш масалаларини коллектив ҳал қилиш ва ишчан бўлиш зарурлигига қаратмоқда ва шу мақсад сари йўналтирмоқда. Республика Компартияси Марказий Комитети бюроси ва секретариатининг кўпгина мажлисларида, Марказий Комитет Пленумларида

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ПОЧТАСИДАН

ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ ТОПИБ

СИЗНИ партком секретари чақиряпти, — деди секретарь қиз хонанинг тўрида ўтирган қоравадан келган, кулча юзли йигитга қараб.

— Хўп, ҳозир, — дея у ҳисоб машинасини четроққа суриб, қўлига қоғоз-қалам олиб чиқиб кетди ва сал ўтмай «Партком» деб ёзиб қўйилган эшикни охиста очиб ичкари кирди.

— Келинг ука, келинг, — деди партком секретари ўрнидан туриб, уни қарши олар экан.

— Чақиртирган экансиз.

— Энди, ука бундай, биз бу ерда партком аъзолари билан келишиб, сизга пропагандист сифатида иқтисодий ўқувни олиб боришингизни тавсия этмоқчимиз. Қолаверса, бу партия топшириғи.

— Қандай бўларкин. Бундай масъулиятли топшириқни уддасидан чиқаолармиканман.

— Чиқа оласиз, ука, маълумотингиз олий, касбингиз эса иқтисодчи. Сиздан фақат ана шу топшириққа масъулият билан ёндошиш талаб этилади. Қийналадиган бўлсангиз тортинмай маслаҳат сўрайверинг, бажонидил ёрдам берамиз.

Шу куни партком секретари Қамбарга тегишли маслаҳатларни берди унга иқтисодий темаларга оид бўлган дарсликлар, қўлланмалар ва бошқа адабиётлардан фойдаланиш кераклиги, шулар асосида хўжаликдаги ютуқ ва камчиликларни атрофлича анализ қилишни тушунтирди.

...Биринчи машғулот. Хонада 25 тингловчи — сабзавот етиштириш билан шуғулланадиган бригадирлар, ҳисобчилар, сувчилар, колхозчилар ўтиришибди. Уларнинг салобати босди шекилли, дастлаб Қамбар гапни нимадан бошлашни билмай сукут сақлаб қолди. Ҳаяжонланди.

Қанчалик ташвишга, қаяжонга солган ўша биринчи машғулотнинг ўтганига ҳам анча вақт бўлди. Қамбар иккинчи машғулотни биринчисидан, учинчи машғулотни эса иккинчисидан кўра қизиқарли, таъсирчан, сермазмун бўлишига эришиш учун ҳаракат қилди. Бунинг учун энг аввало ўз устида кўп ишлади. Иқтисодий мавзудаги китобларни кўп ўқиди. Кундалик газета ва журналларни мунтазам кузатиб борди. Жойларда ўтказилган пропагандистлар семинарларида актив иштирок этди.

Ҳозирги кунда Қамбар Йўлдошев тажрибали пропагандистлар сафидан ўрин олган. У ҳар бир машғулотни кўргазмали қуроллар ва маҳаллий фактларга бой равишда ўтказиб келмоқда. Унинг янги ўқув йилидаги биринчи машғулотини кузатдик. Бу сафар у программага асосан «Юқори меҳнат унумдорлиги учун» деган темага тайёргарлик кўриб келган экан.

Тингловчиларни йўқлама қилгач, аввалги машғулотда ўтилган «Социалистик жамиятда — меҳнат» деган темани қисқача эслатди-да, янги машғулотни бошлади. У дастлаб юқори меҳнат унумдорлигига эришиш борасида партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилаётган талабларни ва уни амалга ошириш соҳасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини, қишлоқ меҳнаткашларининг оғирини енгил қилаётган техниканинг куч-қудратини фактлар билан атрофлича тушунтирди.

— Хўжалигимизда техникадан фойдаланиш йўлида ҳали кўнгилдагидек иш олиб борилмаяпти, — деди у тушунтиришда давом этаркан. — Шу боисдан ҳам сабзавот маҳсулотлари турлари планлари бажарилмади. Биз фақатгина пиёз ҳисобига умумий пландан чиқдик. Дала ишларини бажаришда сабзавотчилик бригадаларимиз техникадан яхши фойдаланишмади. Кўп меҳнат сарфланиб, камроқ ҳосил олинди, таннархи ортиб кетди. Натижада колхозчига тўланадиган иш ҳақи айрим бригадаларда анча камайиб кетди. Техникага куч берганлар эса ҳар тарафлама наф олдилар. Масалан, ўтган йили Образбек Саманов бригадаси ерга ишлов беришдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар техникадан самарали фойдаланди ва йиллик сабзавот топшириш планини 124,5 процентга етказиб бажарди. Абди Раҳимқулов бригадаси эса бу имкониятдан тўлиқ фойдаланмаганлиги сабабли плани 85,1 процентга аранг етди. Энди, қаранг-а, О. Саманов бригадаси хўжаликка 10 минг 971 сўм фойда келтириб, колхозчиларнинг ўртача иш ҳақи 110 сўмни ташкил этган бўлса, А. Раҳимқулов бригадаси анчагина зиён келтирди. Колхозчиларнинг ўртача иш ҳақи анча паст бўлди. Бундан кўриниб турибдики, юқори меҳнат унумдорлигига эришмоқчи бўлган ҳар бир деҳқон техникага суяниши унинг қадрига етиши керак. Шундай қилган тақдиримизда меҳнатимиз 2-3 ҳисса енгилланади, иш ҳақимиз ошади.

Қамбар шу ерда суҳбатини тугаллади. У машғулотларини ўтиш вақтида «Социализм ва меҳнат», «Иқтисодий билим асослари» сингари адабиётлардан ва шу соҳа бўйича чиқарилган методик қўлланмалардан, кундалик журналлардан фойдаланиб бормоқда. Ҳуллас, ҳар бир машғулотга тайёргарлик кўриш вақтида тингловчиларга бирон фойдали нарса ўргатишга, уларни янги меҳнат зафарларига чорлашга қаратади.

Ф. НУРМАТОВ,
Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз.

КИТОБХОНЛАР КЎНГИЛЛИ ЖАМИЯТИДА

РЕСПУБЛИКАДА китобсеварлар кўнгилли жамияти иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бироқ, шу қисқа муддат ичида минглаб меҳнаткашлар, зиёлилар, студент ва ўқувчилар жамиятга аъзо бўлдилар, улар партиямизнинг тарихий XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларини кенг омма орасида тарғиб қилиш ишида фаол қатнашмоқдалар.

Жамият республика правлениесининг яқинда бўлиб ўтган президиуми йиғилишида китобхонларнинг амалга оширадиган тадбирлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарори муносабати билан янги вазифаларни кенг муҳокама қилишди.

Йиғилишда оммавий-сиёсий ишлар, жамият аъзолари вазифалари ҳақида жамият республика правлениеси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров гапирди.

Президиум йиғилишида Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ўтказиладиган тадбирлар, жумладан, СССР халқлари дўстлиги музейи билан ҳамкорликда «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги» доимий кўргазмасини ташкил қилиш борасидаги ишлар кўриб чиқилди.

Китобсеварлар кўнгилли жамияти республика правлениеси ходими.

ДЎСТЛИК КЛУБИ

БОЛГАРИЯЛИК курувчилар томонидан қад ростлаган Г. Димитров номли 9-мактабда 1971 йилдан бери дўстлик интернационал клуби ишлаб келаяпти. Мактабда Болгария билан Ўзбекистон дўстлигини намойиш қилувчи бой музей ҳам ташкил қилинган.

Музейда турли альбомлар, хатлар, чет элдан мактабни келиб кўрган кишиларнинг эсталиклари кўзга ташланади.

Мактаб ёшлари Болгариянинг Хасково области, польшалик пионерлар билан яқиндан алоқада бўладилар. Иттифоқдош республикаларимиздан ҳам хатлар орқали алоқа боғлаб боришяпти.

Яқинда мактабда болгариялик студентлар билан кеча ўтказилди. Болгариялик студентлар ҳозирги кунда Болгарияда бўлаётган катта ўзгаришлар, қурилишлар, Совет — Болгар дўстлиги ҳақида завқ-шавқ билан сўзладилар. Кечада ўзбек, рус, болгар қўшиқлари, рақслари бир-бири билан қўшилиб кетди.

Кечада Болгарияни фашизмдан озод қилишда фаол қатнашган Болгария халқ қаҳрамони ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қозоғистонлик ўқитувчи Зиямат ота Ҳусаинов ҳам иштирок этди.

Кеча ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Дўстлик клубининг ишлари ўқувчиларни интернационализм руҳида тарбиялашда катта роль ўйнамоқда.

С. СУЛТОНОВ,
ўқитувчи.



ОҚҚЎРҒОН районидаги «Партия XXII съезди» колхози чорвадорлари қишловни муваффақиятли ўтказмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитетининг Мактубига жавобан қиш ойларида ҳам маҳсулдорликни камайтирмаслик учун курашаётирлар. Илғор сут соғувчи Мақсуда Қўлдошева ҳар бир сигирдан кунига 9-10 литрдан сут соғиб ҳамкасбларига намуна бўлаётир.

Ҳ. Аввалов фотоси.

ХИЗМАТИНГИЗДА БЎЛАМИЗ

ФАБРИКАМИЗДА ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва тайёрланаётган пойафзаллар сифати ва кўримлилигини яхшилаш йўлида қатор тадбирлар амалга оширилди. Аҳолининг биз кўрсатаётган хизматга нисбатан талаби муттасил ортиб бораётганлиги шундай тадбирлар кўришни тақозо этди.

Шу туфайли қатор янги цехлар қурилди. Жумладан, Киров, Ленинград кўчаларида, Чилонзор районида ҳозирги замон талабига мувофиқ янги типовой биноларда цехлар ишга туширилди.

Бизнинг фабрикамиз янги пойафзаллар тикиш билан бирга эскиларини ремонт қилиш ишларини ҳам бажаради. Қатор кўчма қабул пунктлари ташкил этилиб, улар йирик уй-жой массивлари ва шаҳар корхоналарига хизмат кўрсатмоқда. Айни вақтда индивидуал пойафзал тикиш ҳамда ремонт қилиш билан шуғулланувчи қабул пунктлари тармоғи муттасил кенгайтириляпти.

Район ижроия комитетлари раҳбарлари аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи ва қабул қилиш пунктларн ташкил этиш учун биноларг ажратишда изчиллик кўрсатишмаяпти. Ваҳоланки, хизмат кўрсатишнинг яхшиланиши кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Айниқса, марказлашган пойафзал магазинларн ва йирик уй-жой массивларида ана шундай пунктлар ташкил этиш кўпчилигининг талабига мос тушади.

Фабрикамиз коллективи республикамиз пойтахти аҳолисига хизмат кўрсатишни янада яхшилашга бундан буён ҳам астойдил ҳаракат қилади.

И. БЕРЕЗОВСКИЙ,
Тошкентдаги «5 декабрь» фабрикасининг директори.

МАКТУБ ВА ҚАРОРГА ЖАВОБАН

САМАРАДОРЛИК ва сифат беш йиллигининг биринчи йилида Оржоникидзе районидаги хўжалик-рўзғор буюмлари фабрикасининг меҳнат коллективи унум баракали йил бўлди. Ўтган йили планда белгиланган 2 миллион 314 минг ўрнига 2 миллион 387 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб шундан 2 миллион 118 минг сўмлик турли хўжалик буюмлари реализация қилинди.

Юбилей йилида ҳам фабрика ишчилари янги куч, янги ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Бу йил улар 3 миллион 902 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, шундан 3 миллион 887 минг сўмлик маҳсулотни юқори сифатлар билан реализация қилиш учун ҳамма тадбирларни кўришмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг мактуби ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарори фабрика ишчиларининг ғайратини янада оширib юборди. Улар мактуб ва қарорга жавобан ўз зиммаларига планга қўшимча 50 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олдилар.

И. ПИРМЕТОВ,
«Коммунизм тонги» газетасининг ходими.

ПАШША

(МАСАЛ).

Пашша, ўлгудай хира,
Қаерда кўрса шира,
Астагина ғинғиллаб,
Учиб келар зинғиллаб,
Дастурхонда ўша чоғ,
Пайдо бўлар қора доғ.
Қўниб нону-ошингга,
Тегар жуда ғашингга.
Очофат тўймагунча,
Тўрваси тўлмагунча,
Асло учиб кетмайди.
Хонангни тарк этмайди.
Асал-болингни шимиб,
Шу билан турмас жимиб.
Тўйгач, у, қутуради,
Тузингга тупуради.
Таъбни қилмасин хира,
Қиринг, аяманг сира!
Тайёрга айёр шудир,
Қисадан хисса будир:
Текинхўр ҳам ҳаётда
Пашшадек бизга ёт-да!..

Арслон УМАРОВ.
Бўка.

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

ЮБИЛЕЙГА МУНОСИБ ҲИССА

ТРЕСТИМИЗ ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг совет халқи томонидан баланд руҳ билан кутиб олинган Мактубини зўр диққат-эътибор билан ўрганмоқдалар.

Бу Мактубда совет халқининг ўсиб бораётган кундалик талаб ва эҳтиёжларини қондириш тўғрисида халқимиз томонидан улкан вазифалар амалга оширилиши кераклиги кўрсатиб берилган. КПСС XXV съезди қарорларини турмушга татбиқ этишда самарали ва ҳалол меҳнат қилаётган трестимиз ишчи-хизматчилари ўз устиларига олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари шараф билан бажаришмоқда.

Самарадорлик ва сифат йили бўлган ўнинчи беш йиллиқда трестимиз ишчи-хизматчилари ўртасида қолоқларсиз унумли ишлаш шиори дастлабки ўз натижаларини берди. Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида мавжуд 72 та савдо шохобчалари ўз устиларига олган социалистик мажбуриятларини ошириб бажаришга эришдилар. КПСС XXV съезди ҳисобот докладида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев савдо ва умумий овқатланиш ходимлари олдида турган катта вазифалар тўғрисида гапириб, «Совет кишиларининг фаровонлиги ҳам, кайфияти ҳам сизларга, сизларнинг меҳнатларингизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Буни эсдан чиқарманг. Ташаббус кўрсатиб, яхши ишлангиз, илғорларга тенглашингиз. Партия сизларни шунга даъват этмоқда, сизлардан шуни кутмоқда» деган эди.

Жонажон партиямизнинг бу жанговар чақириқларига ўзларининг муносиб меҳнатлари билан жавоб бераётган коллективимиз ишчи-хизматчилари бу йил ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб меҳнат қилишмоқда.

Шаҳримиздаги мавжуд ҳамма завод ва фабрикалар, корхоналар, транспорт корхоналари, махсус ўрта ўқув юртлари, мактаблар қошида хизмат қилаётган ошхоналар мунтазам равишда ишчи-хизматчилар, студентлар, мактаб ўқувчиларини иссиқ овқат билан таъминлаб турибди.

Айниқса бу соҳада пахта тозалаш заводи, колбаса эксперименталь заводи, пойафзал фабрикаси, шаҳар кондитер-ачитқи бирлашмаси, биохимия заводи, шаҳар ёғмой комбинати қошидаги ошхоналар ишчи-хизматчиларга намунали савдо хизмати кўрсатмоқда.

Бу завод ва фабрика ҳамда корхоналарда трестимиз ошпазлари, инженер-технологлари, ишчи-хизматчиларнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларини олдиндан ўрганган ҳолда таомлар турларини тайёрлаб уларнинг хосиятларини ошириш

Дунё овози
чет эл хабарлари

Г. ШМИДТНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БОНН, 17 февраль. (ТАСС). Германия Федератив Республикасининг канцлери Г. Шмидт «Штерн» журналида босилган суҳбатида халқаро кескинликни юмшатиш сиёсатини давом эттириш ва Совет Иттифоқи билан ҳамда бошқа социалистик давлатлар билан муносабатни янада ривожлантириш зарур эканлигини айтди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг ГФРга қиладиган визитига тўхталиб, канцлер ўтган йилнинг куз фаслида расмий суратда эълон қилинганидек, Л. И. Брежнев визит билан келади, деди. Шу билан бирга у бошқа мамлакатларнинг раҳбарлари билан ўтказиладиган шахсий суҳбатлар сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга эга, деб таъкидлади.

Сўнгра Г. Шмидт қуйидагиларни айтди: кескинликнинг юмшатилишини тўхтатиш вазиятни кескинлаштириш сиёсатини яна қўллана бошлашдан, қуролланиш пойгасини тезлатишдан, янги можаролар рўй беришига қасддан йўл қўйилишидан далолат берган бўлур эди, бунинг натижасида ана шу можароларни ҳарбий йўл билан бартараф қилиш хавфи туғилган бўлур эди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатлар вакилларининг Белградда ўтказиладиган учрашуви муносабати билан Г. Шмидт бу учрашувда «Хельсинки кенгаши амалда берган саъмаралар якунлаштириладиг» деган фикрни билдирди. Аммо, деб таъкидлади канцлер, Белград, христиан-демократик иттифоқи талаб этганидек конфронтация ўрни бўлмаслиги керак. Оппозиция ролини бажараётган ва ҳеч қандай жавобгарликни ҳис этмайдиган кишиларгина ана шундай бемаъни йўлни таклиф этишлари мумкин.

СОЦИАЛИЗМ ЙЎЛИДАН

КОТОНУ, 17 февраль. (ТАСС). Бенин Халқ Революцияси партиясининг раиси, Бенин Халқ Республикаси президенти Матье Кереку бу ерда сўзга чиқиб, шундай деди: Улуғ Октябрь социалистик революцияси халқларни озод қилиш ва уларнинг социалистик ривожланиш йўлига, тараққиёт ва инсон шахсининг ҳар томонлама камол топиши йўлига кириши учун жаҳонда энг қулай шароитни вужудга келтирди.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан Бенин Халқ Республикаси ҳозирги вақтда социалистик ривожланиш йўлига кирди, деди М. Кереку.

Кабилавий, этник ва маҳаллий тор доирадан чиқиб кенг кўлам касб этган миллий озодлик учун кураш революцион ҳаракатининг ҳозирги босқичи, деди президент, ҳеч шубҳасиз Бенинда социалистик революция учун йўл очиб берувчи халқ демократик революциясининг тантанасига олиб келади.

Африка, Осиё ва Латин Америкаси халқларининг империалистик, эски ва янги мустамлакачилик ҳукмронлигига қарши олиб бораётган курашида энг ишончли иттифоқчи социализм мамлакатларидир, деди сўзининг охирида М. Кереку. Социалистик мамлакатларнинг эришаётган муваффақиятлари бутун дунёда миллий озодлик курашининг ривожига кудратли таъсир ўтказмоқда.

ГУЛЛАР ТАБАССУМИ

БИЗНИНГ АХБОРОТ

Октябрь район ижроия комитети ободонлаштириш бошқармасига қарашли гулхона коллективи шаҳримиз кўчалари, ҳиёбон, истироҳат боғларини кўкаламлаштириш ишига ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқда.

Шу кеча-кундузда гулхонада бўлсангиз, тепляца ва парникларда гуркираб ўсаётган турли хил анвойи гулларни кўриб, кўнглингиз қувнайди, дилингиз яйрайди. Бу гуллар қишнинг қирчиллама кунларида ҳам ҳудди баҳордагидек очилиб турди.

— Гулхонамиз ишчи-хизматчиларининг мажбуриятлари юксак, — дейди агроном Довуд ака Қодиров. — Биз имкониятларимизни чамалаб кўриб, бу йил 180 минг туп ўринга 200 минг туп гул кўчати етказиб беришга аҳд қилдик.

Ҳозир гулхонада ана шу юксак мажбуриятга яраша иш қизитиб юборилган. Махсус яшикларга сепиб қўйилган, «Нарбегия», «Ромашка», «Ирис», «Силюза» сингари кўп йиллик ва бир йиллик гулларнинг уруғлари бир текис униб чиқди. «Расада», «Гербин», «Астра» каби кўп йиллик гул кўчатларни расад қилиб қўйилди.

Кенг майдондаги парникларни ремонт қилиш ҳам авж олдирибб юборилган. Жўра Худойбердиев, Аҳрор Ҳужаев, Абдуфаттоҳ Тўргунов каби тажрибали гулчилар баракали меҳнат қилиб ҳаммага ўрнак кўрсатмоқдалар.

М. АҲМЕДОВ.

БАДИЙ ҲАВАСКОРЛАР

БУ маданият ўчоғининг фаолият доираси кенгайиб кетди. Чиндан ҳам пойтахтдаги Абдулла Қодирий номли маданият уйи томонидан яхши тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳаваскор созанда, хонанда ва раққосалар сони анча ортди. Улар Киров районининг «Отчопар», «Бодомзор» ва бошқа маҳаллаларида ўтказилаётган маданий тадбирларда актив иштирок этаяптилар.

Маданият уйида ишлаб турган рақс тўгарагига Лилия Расулова билан Тожихон Усмонова раҳбарлик қилишяпти. Ўзбек халқ чолғу асбоблари, эстрада-хореография, рубобчилар ансамбларининг репертуарлари янги асарлар билан бойиди. Мазкур янги номерлар шоирлик юбилей концерт программасидан ўрин олади.

МУЗЕЙЛАРГА АРМУҒОН

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Алишер Навоий номли Адабиёт музейи экспозицияси янги экспонатлар билан бойиди. Булар ўзбек шеъриятининг буюк даҳоси Алишер Навоий асарлари мазмуни акс эттирилган расмли чинни буюмлардир.

Амалий санъат асарлари устаси Р. Орифжонов томонидан юксак дид билан ишланган бу манзарали вазалар аътиборни ўзига тортади. Мазкур туркум буюмлар Ленинграддаги чинни заводида нафис ишланди.

Бу хилдаги янги экспонатлар Ўзбекистон ССР амалий санъат музейида ҳам намойиш қилинади.

ҚИЗИҚАРЛИ ЛЕКЦИЯЛАР

ПОЙТАХТНИНГ Собир Раҳимов районидаги «Янги турмуш» маҳалласи клубида тез-тез қизиқарли тадбирлар ўтказиб турилади. Яқинда бу ерда «Партия XXV съезди ва совет турмуш тарзи» деган мавзуда лекция ўтказилди.

Ўзбекистон ССР маориф министрлигининг лектори республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Ўртоқ Х. Абдуллаев партия XXV съезди қарорларини амалга ошириш борасида совет кишилари эришаётган ютуқлар ҳақида, партия ва ҳукуматимиз халқ фаровонлигини янада яхшилаш учун тинимсиз ғамхўрлик қилиб келаётганлиги ҳақида муфассал гапирди.

Клубда тўпланган маҳалла аҳли ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам жавоб олдилар. Бу қизиқарли ва фойдали тадбирда юздан зиёд киши иштирок этди. Лекциядан сўнг Собир Раҳимов районидаги 4-маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари концерт қўйиб бердилар.

А. ТАРТАУЛОВ.

Реклама ва эълонлар

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

19, 20 ФЕВРАЛДА

Янги спектакль

Ж. ЖАББОРОВ, А. РАҲИМОВ асари — И. АКБАРОВ музикаси

«ЙИЛЛАР ЎТИБ»

(Ўжарлар тақдири)

2 парда, 8 кўринишли

музикали лирик-драматик қисса

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. РАҲИМОВ.

Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Э. ТОШМАТОВ.

Рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. ВИЗЕЛЬ.

Режиссёр — Ҳ. ШАРИПОВ.

Балетмейстер — Ш. АҲМЕДОВ.

Концертмейстер — А. Б. МАЛИНА.

Режиссёр ассистенти — Р. МУҲИДДИНОВА.

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.



ТОШКЕНТДА машҳур цирк артисти Игорь Петрухин гастроллари катта муваффақият билан ўтмоқда. Унинг чиқишлари айниқса ёш томошабинларга манзур бўлмоқда. Игорь Петрухин бўш пайтда «Потап» лақабли айиқ билан Тошкент кўчаларини сайр қилганини чиқади. Суратда: артист И. Петрухин ва «Потап» бозорда.

А. Усмонов ва И. Покотилов фотоси. (ЎзТАГ).

Спорт

ХАЛҚАРО УРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

Европа чемпионлари Кубоги мусобақасига тараддуд кўраётган Киевнинг «Динамо» футболчилари Сочида Польшанинг «Заглембе» командаси билан учрашди. Маълумки, Польшанинг Сосновец шаҳридан келган футболчилар аввал республикамизда меҳмон бўлишиб иккита ўйин ўтказишган эди. Фаргонада маҳаллий «Нефтянник» командаси билан бўлган ўйинда 2:0 ҳисобида ғолиб келган Польша футболчилари Навоийда «Зарафшон» коллективидан ҳудди шундай ҳисобда енгилган эди. Сочида бўлган бу халқаро ўртоқлик учрашуви динамочилар фондасига 1:0 ҳисобида тугади.

ИККИ УЙИНДА ИККИ МАҒЛУБИЯТ

Кўл тўпи бўйича мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида қатнашаётган Ўзбекистон Давлат физкультура институти ҳамда «Текстильшик» командалари биринчи давранинг иккинчи тур ўйинларини Шяуляй ва Вильнюс шаҳарларида ўтказишмоқда. Эркаклар командамиз ҳам, аёллар командамиз ҳам биринчи ва иккинчи тур ўйинларида мағлубиятга учради. Физкультура институти спорт клуби Челябинскининг «Полёт» командасига 18:27, Шяуляйнинг «Таурас» коллективига 22:24 ҳисобида ютқазди. «Текстильшик» командаси эса Киевнинг «Автомобилист» коллективидан 19:20, Таллиннинг «Иуд» командасидан 12:16 ҳисобида енгилди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАР РЕПЕТИЦИЯСИ

Қараганда шаҳрида Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари енгил атлетикачиларининг Бутуниттифоқ ёшлар спорт уйинлари олдидан генераль репетицияси бўлиб ўтди. Программанинг айрим турлари бўйича спортчилар юксак натижалар кўрсатишди. Республикамиз вакили Виктор Рубан 6 метр 98 сантиметр узунликка сакраб биринчи ўринни олди. 400 метрга бўлган бахсда Чирчиқлик Владимир Ткачов 50,4 секунд натижа билан ғолиб келди. Тошкентлик «Меҳнат» жамияти вакили Галина Родтач 60 метрга югуришда 7,7 секунд вақт билан иккинчи бўлди.

БИРЛИККА ДАЪВАТ

ГАВАНА, 17 февраль. (ТАСС). Чет эл ахборот агентликларининг Монтевидеодан хабар беришларича, Уругвай пойтахтида меҳнаткашларнинг яширин шароитда ишлаётган миллий конвентинги баёноти тарқатилган. Бу баёнотда маҳаллий маъмурларнинг касаба союз раҳбарларига, мамлакатнинг ишчилар синфига қарши ўтказаётган репрессия кампанияси фош қилинган.

Меҳнаткашларнинг миллий конвенти ана шу сиёсат Уругвай халқини мамлакатнинг бугун тарихида мисли кўрилмаган қашшоқликка дучор қилганлигини таъкидлайди. Уругвайда энг зарур буюмларнинг нархи доим ошиб бормоқда, ишсизлар кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда меҳнатга қобилиятли аҳолининг 10 процентини ишсизлар ташкил этади.

Маъмурлар мамлакат ишчилар синфининг қаршилигини бостиришга интилиб, ишчиларнинг раҳбарларига — касаба союз активларига қарши репрессияларни кучайтирмоқдалар. Меҳнаткашларнинг миллий конвенти ҳозирги вақтда касаба союзларининг кўп раҳбарларини турмаларга ва қамоқ лагерларига ташланганини эслатиб ўтади. Булар орасида В. Турянский, Х. Куэста ва У Родригеслар бор.

Меҳнаткашларнинг миллий конвенти касаба союз эркинлигини тан олиш, сиёсий маҳбусларни озод қилиш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш учун кураида бирлашишга даъват этди.

ЧЕТ ЭЛ МАДАНИЯТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

● АДАН. Бу ерда «Совет Иттифоқи ҳақида нималарни биласиз?» деган конкурс ғолибларига тантанали вазиятда мукофотлар топширилди. Конкурс «ЯҲДР—СССР» дўстлик комитетининг қарорига мувофиқ ўтган йили демократик Яманда ўтказилган эди. Конкурсда ғолиб чиққан хизматчи Наги Али Салохга Совет Иттифоқига саёҳат қилиш учун бепул путёвка берилди. Наги Али Салох, бу саёҳат менга совет халқининг экономика, социал ва сиёсий соҳаларда эришган ютуқлари билан танишиш имконини беради, деди.

● БУДАПЕШТ. Бу ердаги 400 та музейни ўтган йили 15 миллионга яқин киши келиб кўрди. Бу—1971 йилдагидан икки баравар кўпдир. Мамлакат музейларида бир йил ичида бир ярим мингдан ортиқ миллий ва халқаро виставка, илмий симпозиум, лекция ва викториналар уюштирилди.

● ГАВАНА. Бу ерда Никарагуа халқининг озодлик ва демократия учун, Сомосанинг диктаторлик режимига қарши курашига бағишланган Куба рассомлари суратлари виставкаси очилди.

● ВЕНА. Каринтия вилоятининг пойтахти Клагенфуртда «Австрия қаршилик кўрсатиш ҳаракати» виставкаси очилди. Ундаги ҳужжатлар, фотосуратлар ва газета-журналлар Австрия тарихининг шонли саҳифаларидан бири—фашизмга қарши кураш даврини акс эттиради. Виставка ишлаётган кунларда «Оддий фашизм» деган совет фильмининг жамоат кўриги ҳам бўлади.

● МАДРИД. «Нафис санъат салони»да Мадридда биринчи бор поляк тасвирий санъат виставкаси очилди. Виставкага ПХР 25 рассомининг 73 асари қўйилган. Бу суратларнинг кўпчилиги поляк халқининг гитлерчи босқинчиларга қарши курашига бағишланган.

● РИМ. Милан шаҳар кенгаши Карло Мария Бадинини «Ла скала» опера театрининг Бош директори қилиб тайинлади. 13 йил мобайнида Болонья театрига бошчилик қилган К. М. Бадини Италия радио ва телевидение компаниясининг президенти қилиб тайинланган Милан операси Бош директори Паоло Грасси ўрнини эгаллади.

● НЬЮ-ЙОРК. Коннектикут штатининг Стратфорд шаҳридаги Америка Шекспир театри молиявий танглик сабабли 1977 йилги театр мавсумини бекор қилганлигини театр президенти К. Мэттай эълон қилди.

[ТАСС, 17 февраль].

ЧЕКИШНИНГ ОХИРИ ВОЙ!

ЧЕКИШ ва соғлиқ — бу албатта, янги мавзу эмас. Ҳозирги кунда тамаки тутуни аввалambор нафас йўлларини жароҳатлаши ва кўпдан-кўп чекувчиларда хроник бронхит авж олиши ҳеч кимга сир эмас. Тамаки таркибига кирувчи заҳарли моддаларнинг узлуксиз равишда таъсири сабабли касаллик чўзилиб кетади, у сира аримас бўлиб қолади ва пировардида шубҳасиз ўпка эмфиземасига олиб келади. Бунинг натижасида пайдо бўладиган нафас сиқиш (ҳаво етишмаслик) юрак фаолиятини қийинлаштиради, зеро юрак ошқозончасининг доимий равишда ўпка қафаси системасидаги юксак босимга бардош беришига тўғри келади.

Афсуски, кўплар хроник бронхитга масъулиятсиз, енгилтаклик билан: «Шу ҳам касал бўпти-ю...» деб қарашади. Тўғри, ундан ҳеч ким нобуд бўлмайди! Бироқ -бронхит хасталиги кишиларга озмунча ғам-ғусса келтиришини ҳисоблаб чиқиш мумкин бўлармикан. Илгари ошқозон раки билан оғриган беморларнинг қарийб 80 проценти бронхит билан оғриган чекувчилар ҳиссасига тўғри келган; атеросклероз ҳам ана шу бронхитнинг бевосита давомидир. Патолог-анатомлар секцион материалларни тадқиқ этиб, чекувчиларда юрак артерияси ички қобиғи майдонининг атеросклерозидан жароҳатланиши чекмовчиларга нисбатан 2-3 баробар кўп учрайди, деган қатъий бир фикрга келдилар.

Тамаки тутуни чекувчиларда, чунончи гипертония касаллигининг ниҳоятда тез авж олишига актив монелик қилади ва ғоят оғир оқибатларга олиб келади. Дарвоқе, агар киши аъзоларига мунтазам равишда тамаки тутунининг 300 дан зиёд ингредиентлари таъсир этиб турса, организм унга қандай ҳам бардош бера олсин.

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Ахир тамаки тутунининг кўп қисмини заҳарли моддалар ташкил этади! Масалан, никотин ҳамма томирларни, аввало юрак қон томирларини торайтириб юборади. Бунинг оқибатида тез-тез стенокардия приступи содир бўлиб туради. Ҳали амалда ўзини бардам сезиб юрган тамаки ишқибозларида кўкрак оғриғи, ҳеч вақт нолинмаган юрак санчиғи пайдо бўлади. Никотин миокарднинг кислородга бўлган эҳтиёжини ошириб юборади, оқибатда юрак ниҳоятда бемаром ишлай бошлайди. Ис гази ҳам организмга анчагина зарар етказади: унинг таъсирида артерияларнинг атеросклероз билан жароҳатланиши тезлашади. Ис гази қонда карбоксигемоглобининг тўпланишига сабабчи бўлади, оқибатда гемоглобининг бир қисми нафас олиш жараёнидан чиқиб қолади. Қонда карбоксигемоглабин беш процентгача концентрацияга эришсагина кифоя (ўтакетган кашандаларда бу 7 ва 10 процентгача ҳам боради), юракнинг ишемик касаллиги билан оғриши эҳтимоли 20 баробар ортади.


Умуман сигаретага одатий ишқибозликни ҳозирги кунда ёш эркаклардаги миокард инфарктининг асосий сабаби деб қараш лозим. Бу хулоса, айни бир вақтда инглиз олимларининг тадқиқотлари билан тўла ҳамоҳанг келади. Масалан, йил мобайнида 38 пачка сигарета чеккан кишида — битта, 45 пачка чеккан — иккита, 67 пачка сигарет чеккан кишида эса— учта вена қон артерияси ишдан чиқади. Дарвоқе, кашандаларда миокард инфарктидан шикастланиш қолган барчага нисбатан 12 маротаба тез содир бўлиши бежиз эмас.

Бироқ, тамаки етказадиган зиёнларнинг рўйхати нафас олиш йўллари ва юрак-қон томирлари системасидаги касалликлар билангина чекланиб қолмайди. Америка ракка қарши кураш жамияти 187 минг чекувчи устида олиб борилган текширишлар ҳақидаги материалда шуни таъкидлайдики, чекувчилар ўртасида ўпка раки билан оғриш чекмовчиларга нисбатан 20 марта кўпдир. Кўпдан бу аҳмоқона одатга берилган (25 йил ва ундан кўп) ва кетини узмай сигарет чекувчи (бир кунда 40 дона ва ундан кўп) кишилар рак билан 52 мартадан ҳам кўпроқ оғрийдилар.

Чекиш туфайли соғлиққа етадиган зарар, агар бунга кучли спиртли ичимликларга ортиқча ҳуруж ҳам келиб қўшилса, у кўп карра ортиб кетади. Зеро, ичувчиларнинг аксарияти чекади!

Хуллас, масала шундай! Агар кимда-ким чекишни бошлаб юборган ёки эндигина бу зарарли одатга ўралашаётган бўлса, шуни билиб қўйсинки, у бу билан ўзини турли ҳаётий кўнгилсизликларга махкум этади. Чунки, пироварди «ҳисоб-китоб» ҳеч кимни истисно қилмайди. Масала, фақат кўзанинг қачон синишида! Касаллик тўсатдан ҳуруж бошлагач — афсусланишга, енгилтаклик ва иродасизликдан нолишга ўрин қолмайди, кеч бўлади.

П. КАВУНЕЦ, медицина фанлари кандидати.



Табиат ажойиботи. Х. Мирзакаримов фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика 10.30 — «АБВГД-ейка». 11.00 — Ота-оналар сизлар учун. 11.30 — Музикали программа. 12.00 — Қуплаб спиртли товарлар етказиб берайлик. 12.30 — «Москвична» клуби. 13.45 — Адабий ўқишлар. 14.30 — Здоровье. 15.00 — Мультфильм. 15.40 — «Олтин гоз» (бадиий фильм). 17.00 — Хоккей: «КРИЛЬЯ СОВЕТОВ» — «ДУКЛА» (ЧССР). Европа чемпионлари кубоги учун. 19.15 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 20.15 — Концерт. 20.25 — «Камоннинг сўнгги жасорати» (бадиий фильм). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Ёш ижрочилар Бутуниттифоқ телеконкурси. 24.00 — Мотоцикл пойгаси бўйича жаҳон чемпионати. 00.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Куйланг, ёш хонандалар. 10.50 — Сиҳат-саломатлик. 11.30 — Қувноқлар даврасида 12.00 — Қор малинаси (бадиий фильм). 13.25 — Ҳаракат ҳавфсизлиги учун. 14.05 — Фильм-концерт. 14.25 — Кинокўзгудаги ҳаёт. 18.05 — Қўғирчоқ фильм. 18.25 — Санъат гувчалари. 19.05 — Премьералар, дебютлар, учрашувлар. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Ёшлик. «Оталар сўзи ақлнинг кўзи». 21.00 — Ахборот. 21.15 — Эстрада программаси. 22.00 — «Вақт». (Москва). 22.30 Илғор тажриба мактаби. 22.40 — Навоий лирикаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.

20 ФЕВРАЛЬ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Зарядкага сафланинг. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Орлёнок. 13.00 — Музикали киноси. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Максимнинг ёшлиги (бадиий фильм). 16.20 — Халқаро панорама. 16.50 — Концерт. 18.30 — Мультфильмлар программаси. 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 20.15 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳида. 20.30 — «Оққуш кўли» балети қўйилганлигининг 100 йиллигига. 22.00 — «Вақт». 22.30 — «Оққуш кўли» балетининг давоми. 23.45 — Мотоцикл пойгаси бўйича жаҳон чемпионати. 00.15 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Светофор. 11.20 — Ёш кинохаваскорлар клуби. 12.10 — Ленин, Октябрь ва Ўзбекистон, (репортаж). 12.50 — «Ёшлик», «Оталар сўзи ақлнинг кўзи». 13.50 — Концерт. 15.35 — Реклама. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Ўйлаб топ. 18.45 — Адабий кўрсатув. 19.20 — Ҳужжатли фильм премьераси. 19.50 — Ахборот. 20.00 — Авлодлар эстафетаси (Цирк). 21.20 — Куйланг, ёш хонандалар. 21.50 — Телефильм. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Янги ҳаҳрамонлар ҳақида ҳикоялар. 22.45 — Бугдойзорлар оралаб (бадиий фильм).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19Ш да Риголетто, 20Ш да Концерт, (12.00), Оққуш кўли (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19Ш да Келинлар кўзғолони (билетлар сотилган), 20Ш да Қор малинаси (кундузи), Қиёмат қарз (кечқуруи).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19Ш да Йиллар ўтиб, 20Ш да Гулбаҳор қани? (кундузи), Йиллар ўтиб (кечқуруи), 21Ш да Нурхон.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 19Ш да Фақат ақл сотилмайди (17.30), 20Ш да Ишқ қурбонлари (12.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ГРУЗИЯ ЦИРКИ» коллективи ҳамда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳаким ЗАРИПОВ раҳбарлигидаги «ЎЗБЕКИСТОН ИИГИТЛАРИ» коллективининг чиқишлари (15.00, 19.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — Рампа чироқлари (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), Кексалар учун эрмак (кичик зал, 12, 14, 16, 18, 19.45).

Рампа чироқлари — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20.15), «МОСКВА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «НУКУС» (11, 13.30, 16, 18.15, 20.30), «ЧАЙКА» (20.30).

Эски милтиқ — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 15, 18.30, 19.30, 21.15), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқуруи).

Барҳаёт кишилар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи).

Кексалар учун эрмак — «ДРУЖБА» (12, 13.40, 16, 17.40, 19.20, 21.00), «МИР» (тоқ соатларда), «ТИНЧЛИК» (13.15, 17, 19, 21.00).

Юлдуз юқорига тушади — «ЯНГИОВОД» (11, 14, 17, 20.00).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 13063. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1568.